

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 19 апрель • сешанба № 15 (1011)


e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Янги таҳрирдаги Қонун қабул қилинди

Янги таҳрирдаги Қонунда дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, шунингдек, уларни сақлаш, сифатини назорат қилиш ҳамда расмийлаштириш дорихоналар томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган. Сифатсиз, қалбақлаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек, муомаладаги дори воситалари, тиббий буюмларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, тегишли тартибда муомаладан чиқарилиши белгилангани дори воситаларининг сифатиغا янада жиддий, масъулият билан эътибор қаратишни кучайтиради.



✓ 23 апрель — Бутунжаҳон китоб ва муаллифлик ҳуқуқи куни



Китоб — инсонга билим, куч ва қатъият бергувчи зиё

КИТОБ инсонни ақлий ва маънавий камолотга етакловчи хазина. Мамлакатимизда китобхонликни кенг тартиб қилиш, қобилиятли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ўнги-қизиларни ана шу хазинадан баҳраманд этишга хизмат қилади.

1967 йил 2 апрелда жаҳон болаларининг севимли эртақчиси Ганс Христиан Андерсен туғилган кун муносабати билан Халқаро китоблари кенгаши (International Board on Books for Young People (IBBY) ушбу санани халқаро болалар китоблари куни (International Children's Book Day), деб нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакатимизда ҳам бу сана болалар китоб байрами сифатида кенг нишонланади.

Бундан қўзланган мақсад, эртамиз эгаларини мутолаага ошно этиш, китоб ўқишга ўргатиш, болаларни маънавий рағбатлантириш, ёшларнинг мутолаага бўлган қизиқишини кучайтириш, ўғил-қизларимиз онгидан эзгу тушунчаларни бойиштиришга қаратилган. Қолаверса, китобсевар ўқувчилар сафини янада кенгайтириш мақсадида республика миқёсида ҳар йили оилавий китобхонликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Кейинги йилларда пойтахтимизда ҳамда жойларда ташкил этилаётган "Китоб байрами" мамлакат миқёсида кенг нишонланиб, чинакам байрам тусини олапти. Бундан ташқари, "Китобхон оила", "Йилнинг энг яхши китобхони", "Мустақиллик мадҳи — болалар ижодида", "Зуқко китобхон" каби қўллаб-қўрқувчи китобхонлик фестиваллари ҳам ўтказилмоқда.

Ҳозирги пайтда маълумот олишнинг турли йўллари ривожланиб, масалан, электрон китоблар ёки китобларни компьютер, планшет, телефон ва шунга ўхшаш мосламалар воситасида ўқиш урфга кираяпти.

Хусусан, Республика болалар кутубхонасининг интернет тармоғида www.kitob.uz сайти ташкил қилинган бўлиб, ушбу сайтдан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, фарзандларимизда китоб ўқиш эҳтиёжини шакллантириш ва ўстириш учун уларни ўқишга мажбурлаш эмас, балки ҳавас уйғотиш лозим. Зеро, болаларимиз учун энг яхши дўст, садоқатли ҳамроҳ, тафаккур қаноти бу — китоб.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

✓ Семинар

Докторлик диссертацияси тафаккур кенглиги ва фикрнинг раvon ифодасидан иборат бўлиши керак

ТОШКЕНТ давлат юридик университетиди "Илмий тадқиқот ишларини амалга оширишнинг илмий-услубий масалалари" мавзусида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Унда бўлажак олимларга давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар, амалга оширилган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилди ва соҳа ривожини учун илмий таклифлар билдирилди.

Қуйида маърузачиларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

Есемурат КАНЪЯЗОВ, Тошкент давлат юридик университети ректори:
— Мустақиллик йилларида республикада илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга нисбатан муносабат ҳам, талаб ҳам тубдан ўзгарди. Илмий тадқиқот фаолияти жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол бунёдкор куч сифатида майдонга чиқди. Илмий тадқиқот ишларининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида шундай хуло-

сага келиш мумкинки, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари, энг муҳим концептуал гоаялар, аввало, Президентимиз томонидан илгари сурилмоқда ва белгилаб берилмоқда.

Университетда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг йўналишлари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятига мослаштирилган. Ҳозирда ҳар томонлама етув ва рақобатбардosh малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш университетининг асосий устувор йўналишларидан



бири ҳисобланади. Бугунги кунда Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2013 йил 22 июлдаги 043-И-сон буйруғи билан университет ҳузурида Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият олиб бормоқда. Ушбу кенгашнинг ташкил этилиши докторлик диссертацияларини тегишли мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш ва диссертацияларни сифатли тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Илмий тадқиқот ишларининг асосий яқунлари амалдаги қонунларга ўзгартиш ет қўйиш-

чалар киритиш бўйича таклиф-мулоҳазалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Илмий асосланган ишланмалар доимий равишда қонун лойиҳалари шаклида тайёрланиб, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилмоқда. Фан доктори илмий даражасига эга бўлмоқчи бўлган талабгордан ҳорижий тилини билиш, ҳорижий тилдаги илмий адабиётларни таҳлил қилиш, ҳорижий тилда ўз фикрини мустақил ифода эта олиш ҳамда ҳорижий етакчи олимлар билан алсқа



Қонун доирасида

Лоқайдлик

жавобгарликка сабаб бўлади

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1-чораги давомида адлия бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда вилоятнинг Олтинқўл, Қўронтөпа, Булоқбоши ва Асака туман ҳокимликларини да тумандаги тадбиркорлик субъектлари, тадбиркор бўлиш истагидagi фуқаролар, ёш коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, "Ягона дарча" марказлари фаолияти, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги янгиланди ва имтиёзлар ҳақида ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатишда хизмат кўрсатувчи ва рухсат берувчи давлат органлари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёни мониторинг қилиниб, 2016 йил 1-чораги давомида тадбиркорлик

субъектларига кўрсатилган 2415 та хизматдан жами 24 та тадбиркорнинг муносабати рад қилинганлиги, 14 та тадбиркорлик субъектининг муносабатлари кўриб чиқилишида мuddатлар бузилиши аниқланди, мазкур муносабатлар асослиги ўрганилиб бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида "Ягона дарча" марказларига давлат хизматлари кўрсатиш юзасидан келиб тушган муносабатлар асосида Шахрихон тумани "Сувоқова" шўба корхонаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг муносабатларини кўриб чиқишда мuddат бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, 2016 йил 10 февралда Шахрихон туманида фаолият

юртувчи Якка тартибдаги тадбиркор Муқаддасхон Аҳмедова Шахрихон тумани, Абдубий ҚФЙ, Шерқўрғон МФЙда дорихона ва маиший хизмат кўрсатиш дўконини сув тармоғига уланишида техник шарт тайёрлаб беришни сўраб Шахрихон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона дарча" марказига ёзган аризаси марказ томонидан шу куннинг ўзида белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун "Е-ИЎО" электрон тизими орқали "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Шахрихон туман филиалига юборган.

Ушбу муносабатни ўрганиб чиқишда, "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Шахрихон туман филиали томонидан белгиланган мuddатларга риоя этилмаган

ҳолда 2016 йил 20 февралда, яъни 11 кунга кечиктирилиб 25 сон билан техник шарт берилган. Жавоб хати сифатида "Сувоқова" давлат унитар корхонасининг 25-сонли техник шартни алоҳа хатисиз юборилган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 49¹-бандида сув таъминоти ва канализацияга 2 иш куни мобайнида улашга техник шарт берилиши, 77-бандида мазкур Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришлари белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қонунбузилиш ҳолатларини келгусида такрорланмаслигининг олдини олиш мақсадида вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонасига тақдирнома киритилиб, туман (шаҳар) филиаллари маъсул ходимлари иштирокида янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини мунтазам равишда тушунтириб бориш вазифалари белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани иқтисодий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Бу эса иқтисодий ислохотлар самарасини белгилувчи мезондир. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳар бир давлатда ҳам жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳамда барқарор иқтисодийни таъминлашга хизмат қилади.

Хайрулло СОБИРОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбасари

Болалар спортини ривожлантиришнинг истиқболи

МАМЛАКАТИМИЗДА спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Ана шу эътиборнинг натижаси ўларок спортчиларимизнинг дунё спорт майдонларида кўлга киритаётган ютуқларининг салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уч бошқичли спорт ўйинлари "Умид нақрлари", "Барқамол авлод" ва "Универсиада" баҳслари, янги, замонавий спорт иншоотлари ва комплексларининг бунёд этилиши юртимизда спортнинг оммалашашига туртки бўлмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуменида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Жумладан, жамғарма томонидан 2003-2015 йиллар мобайнида 2205 та иншоот, шундан 1922 та спорт иншооти, 283 та болалар мусика ва санъат мактаби қуриб фойдаланишга топширилгани таъкидланди.

Утган ўн икки йил мобайнида спортчи ёшларимизни нуфузли халқаро мусобақаларда спортнинг йиғирмадан ортқ тури бўйича иштирок этди. Мазкур мусобақаларда жами 1886 та медални, шундан 716 та олтин, 534 та кумуш ва 636 та бронза медалларига сазовор бўлишди.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли республикамизда болаларни спортга жалб қилиш қамрови кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2,6 миллиондан ортқ бола спортнинг ўттиздан ортқ тури бўйича мунтазам шуғулланимоқда.

Чет тилларни ўрганиш давр талаби

МИЛЛИЙ матбуот маркази ва Давлат тест маркази ҳамкорлигида Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва белгиланган устувор вазифалар" мавзусидаги матбуот анжуманида ушбу йўналишда олиб борилган ишлар муҳокама қилинди. Жумладан, бугунги кунда мазкур Қарорга мувофиқ талабдорларнинг чет тилини билиш даражаси аниқланди, чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги малака сертификатлари берилмоқда. Тест синовлари учун янги форматдаги тест топшириқлари тахрибали мутахассислар томонидан халқаро тахрибага таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Бу борда Давлат тест маркази Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодий ва дипломатияси университети, Ўзбекистон Миллий университети мутахассислари билан ҳамкорликда ишлар олиб бормоқда.

Янги тахрирдаги Қонун қабул қилинди

Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти:

Миллий қонунчилик, такомил ва амалий натижалар



(Давоми. Боши ўтган сонда)

Муҳаббат ИБРАГИМОВА —

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш бoш бошқармаси бўлим бошлиғи:

— Дастлаб, мутахассис сифатида алоҳида таъкидлашни истардимки, аҳоли соғлигини сақлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва янги тахрирда қабул қилинган Қонунга фармакологик ёки дори воситаларини ишлаб чиқариш, ушбу воситаларнинг клиник тадқиқотлардан ўтказиш бўйича алоҳида модалар киритилди. Дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш, ушбу махсулотларни юртимизга олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби билан боғлиқ янгилар жорий этилди. Айни пайтда республикамизда дорилар сифатини назорат қилиш тизими яратилган бўлиб, уларнинг тарихида 8 та тиббий махсулотни сертификатлаштириш органи, 15 та назорат-тахлил лабораторияси иш олиб бораёпти.

Бундан қўзғалган асосий мақсад дори воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш, сифати ва самардорлигини ошириш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва фармацевтика sanoatida ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир.

Амалийёт шунки кўрсатадики, дори воситаларининг айрим турларини сақлаш ва ташиш алоҳида шарт-шароитлар билан биргаликда жуда катта масъулият талаб этади. Чунки бу бевосита инсоннинг ҳаёти билан боғлиқ ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ноҳик масала. Унга риоя қилмаслик дориларнинг сифати, хавфсизлиги ва самардорлиги ёмонлашувига олиб келади. Шу боис дори воситалари сақланадиган омборхона бинолари, уларнинг тегишли тарзда жиҳозланиши, сақлаш даврида ҳаво харорати режимида риоя этилиши амалдаги санитария қоида ва меъёрлари ҳамда гигиеник нормативлар талабларига мувофиқ бўлиши керак. Албатта, дорихона ва унинг бўлимлари дастлабки қурилиши жараёнданоқ тегишли жиҳатидан санитария қоидаларига ва меъёрларига асосланган бўлиб, техник, санитар, ёнғин хавфсизлиги талаблари ва шартларига тўла жавоб берадиган тарзда жиҳозланган бўлиши шарт.

Янги тахрирдаги Қонунда дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, шунингдек, уларни сақлаш, сифатини назорат қилиш ҳамда расмийлаштириш дорихоналар томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган. Сифатсиз, қалбақлаштирилган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек, муомаладаги дори воситалари, тиббий буюмларнинг инсон соғлиғига зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар аниқланган тақдирда, тегишли тартибда муомаладан чиқарилиши белгиланган дори воситаларининг сифатига янада жиддий, масъулият билан эътибор қаратишни кўчатилади. Шу ўринда Қонунда, унинг аввалги тахрирдан фарқи равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъулияти янада оширилди.

Қолаверса, мазкур Қонунда асосий дори воситалари рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан икки йилда камида бир марта ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши тўғрисидаги қоида ўрнатилди. Бу эндиликда бюджет маблағлари янада мақсадли ишлатилиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг дори таъминотини ва шошилчин тиббий ёрдам кўрсатилишини яхшилашга, маҳаллий фармацевтика sanoatining ривожланишига олиб келади. Зеро, аҳолини хавфсиз, сифатли ва самардор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, хусусий фармацевтика корхоналари фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, уларга кенг

ва тенг шароитлар яратиш каби масалалар давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда устуворлик касб этади.

Нурия АЙТЖАНОВА —

Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси:

— Давра суҳбати иштирокчилари томонидан юқорида ҳақли равишда эътироф этилганидек, халқаро ҳамжамият ва тараққиёт тоған давлатлар қаторидан муносиб жой олаётган Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг туб моҳиятини ташкил этади. Янги тахрирдаги қонунга халқаро тажрибани ўрганишдан ва миллий амалиётни батафсил таҳлил этилишидан келиб чиқиб, "Фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг, ёхуд тиббий буюмларнинг клиник олди тадқиқотлари", деб номланган янги модала киритилди. Бунда белгиланишича, фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг клиник олди тадқиқотлари фармакологик воситаларнинг ёки дори воситаларининг хавфсизлиги ва самардорлигини ўрганиш мақсадидаги кимёвий, физик, биологик, микробиологик, фармакологик, токсикологик тадқиқотлари ҳамда бошқа тадқиқотлари назарда тутилди.

Амалдаги қонунда бундай тадқиқотларни ўтказишга оид нормалар берилмаган эди. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасини, шунингдек, аҳолини хавфсиз, сифатли ва самардор дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашда ушбу тадқиқотларни ўтказишнинг аҳамияти жуда катта. Қолаверса, фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотларини ўтказиш учун, уларнинг хавфсизлиги ва самардорлиги тасдиқлангани ҳақидаги клиника олди тадқиқотнинг ижобий натижаси, клиник тадқиқотни ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга асос бўлади. Тиббий буюмларнинг клиника олди тадқиқотлари эса уларнинг хавфсизлигини ва сифатини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Халқаро Тиббиёт Ассамблеясининг 18-сессиясида қабул қилинган Хельсинки декларациясида "Инсон иштирокида амалга оширилган илмий тиббий тадқиқотларни ўтказишнинг этик асослари" белгилаб берилган ва дунё бўйича унга амал қилинади. Шундан келиб чиқиб, Қонунда "Этика экспертизаси"га оид янги нормалар белгиланди. Унга кўра, фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотини этика нуқтаи назаридан асосланганлиги тўғрисидаги Этика кўмитасининг хулосаси асосида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Яъни, агар Этика кўмитасининг ижобий хулосаси бўлмаса, ҳар қандай фармакологик ёки дори воситаларининг клиник тадқиқотини ўтказишга йўл қўйилмайди. Ушбу норманинг татбиқ этилиши тиббиёт ходимлари ва тадқиқот субъектларининг ҳуқуқ, хавфсизлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтганда, 2016 йил 5 январда кўчга кирган "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги тахрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунда акс этган янги меъёрлар миллият генофондини яхшилаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вужудга келтириш, аҳоли фаровонлигининг ортиб боришига амалий таъсир кўрсатади. Зеро, миллий генофондини соғломлаштириш — Ватан тараққиёти учун мухтажам пойдевор демакдир.

Давра суҳбатини журналист Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Докторлик диссертацияси

тафаккур кенглиги ва фикрнинг раvon ифодасидан иборат бўлиши керак

(Давоми. Боши биринчи бетда)

ўрнатиш ҳамда улар билан илмий мунозаралар олиб бориш кўникмаларига эга бўлишни тақозо этади. Шу йўналишда ҳозирда университетда ходимларнинг тил билиш даражасини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва унинг ижроси таъминланмоқда.

Алижон ОЧИЛОВ, Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи:

— Хабарингиз бор оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуларда ушатирилган теле ва радиодастурлар ҳамда мақола ва материаллар умумлаштириб борилмоқда.

Республикамизда 50 га яқин ҳуқуқий нашрлар фаолият юритаётган бўлса, ихтисослашуви ҳуқуқий бўлмаган деярли барча нашрларда ўтган 2015 йилда ҳуқуқий мавзуда 10 мингдан зиёд материал ёритилди.

Газета-журналларда эълон қилинаётган илмий мақолалар Ўзбекистон илм-фанининг турли соҳаларида кечаётган жараёнлар, эришилган ютуқлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни озми-кўпми ўзида акс эттирмоқда. Чоп этилаётган мақолалар журналистлар томонидан тахрир қилиниб, ҳато-камчиликлари илҳами борича тузатиб-да, уларнинг савияли, ўқиниш, қизиқарли бўлиши ҳамон муаллифларнинг зиммасида қолимоқда.

Масалан, ОАВда эълон қилинаётган материалларда қонун ҳужжатларининг номи, санаси, ундаги нормаларни беришда айрим камчилик ва нотўғри талқинлар учраб турибди.

Мақола ёзишда тор доирадаги адабиётлардан фойдаланилмоқда. Масалан, криминалистика ҳақида ёзилган мақолада 1970 йилларда чоп этилган икки-учта диссертация ёки қўлланмадан фойдаланилади. Холбуки, бу соҳа ўтган давр мобайнида анча ривожланди, жиноятларни фош этишни янги-янги криминалистик усуллари кашф этилди.

Мақолаларда фойдаланилган адабиётлар асосан Россия илмий манбаларига тааллуқлилиги кўринадди. Аслида эса ёритилаётган мавзу бошқа давлатларнинг илмий манбаларида ҳам яхши очиб берилган бўлиши мумкин.

Айрим материалларнинг тили гаилиш, адабий тил қоидаларига риоя этилмайди. Баъзи гаплар ҳаддан зиёд узун. Жуда кўп мақолаларнинг кириш қисмлари бир-бирига айнан ўхшайди.

Мақолаларда ҳатто стилистик ва имло хатолар ҳам учрайди.

Мақолаларда тақлифлар расмиятчилик учунгина билдирилмаслиги керак. Аслида эса мақолада бир соҳа таҳлил қилиниб, камчиликлар аниқ кўрсатилиши, уларни бартараф этишга оид усули тақлиф ва мулоҳазалар эса батафсил билдирилиши лозим.

Ана шу маънода тadbирнинг мақсади илмий изланишлар, унинг натижалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мақолани ОАВда эълон қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий, ташкилий ва технология жихатларини ўрганишга қаратилса яхши. Семинардан асосий мақсад соҳадаги ечимини кўчатишнинг муаммоларини аниқлаш ва улар юзасидан конструктив тақлиф-таъсиялар ишлаб чиқиш, уларни тегишли ваколатли давлат органларига юборишга қаратилса, ўйлаш-манки, айна мудоаа бўларди.

Илёс РАХМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш кўмитаси раиси ўринбосари:

— Маълумки, бугунги кунга келиб илмий тадқиқот муассасалари фаолияти тубдан яхшиланган, уларда ҳар томонлама билимли ва истеъдодли ёшлар изланишлар олиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонга кўра, таълим ва илм-фан тизимини ислоҳ этишга йўналтирилган илмий ислохотлар олиб борилмоқда.

Ютуқлар, албатта, ўзимизники. Мен бу борадаги айрим камчиликлар хусусида фикр юритмоқчиман.

Аввало, мавзуларни шакллантиришда ОТМ ва ИТМ кенгашлари иш фаолиятини такомиллаштириш лозим. ОТМ ва ИТМ раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотдаги кенгашлари мавзуларини шакллантиришда тизимсиз ва масъулиятсизлик ҳамда юзаси ёндашмоқда. Шу билан бирга қабул квотаси бўйича тақлифлар асосидан, уларни аниқлашда юзаси ёндашувлар мавжуд. ОТМ ва ИТМ томонидан нобўй ихтисосликлар бўйича жой сўралмасдан, балки мутахассислар етарли ихтисосликлар бўйича қабул режасини шакллантирмоқда. Кўмитага талабдорлар (айниқса, ёшлар) томонидан доимий равишда олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида, Давлат талаблари ва Низом, мавзуларини шакллантириш тартиби ва бошқа шу туркумдаги масалаларни ойдинлаштириб бериш бўйича мурожаатлари шундан далolat берадики, жойларда (ОТМ ва ИТМ)ги масъул ходимлар давлат талаблари асосида юқоридаги масалаларни ечишга жиддий ёндашмаётти.

Шунингдек, мониторинг натижалари (шахсий иш режасининг баҳарлилиги, мақолаларни чоп этиш ва бошқалар) таҳлили шунки кўрсатадики, илмий маслаҳатчиларнинг маълум қисми катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар билан самарали ишлашмаётти.

Шу боисдан ҳам фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тақлифларни амалга ошириш жоиз деб биламан:

• Бир ой мuddатда паст балл тўплаган, фаолияти талабга жавоб бермайдиган катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларни илмий маслаҳатчиларнинг фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда Илмий кенгашларда мониторинг натижаларини чуқур ва атрафлича таҳлил қилиб, зарур ҳолларда илмий маслаҳатчиларни ўзгартиришга чора кўриш;

• Катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчиларнинг илмий фаолияти самардорлигини таъминлашда муассаса илмий ишлари бўйича проректор, директор ўринбосари ва мутахассис ходимлар масъулиятини ошириш тегишли вазирлик масъул ходимлари томонидан мунтазам равишда назорат қилиш;

• 2016 йилдан бошлаб доимий равишда олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига бевосита жавобдор мансабдор шахслар (илмий ишлар бўйича проректор, директор ўринбосари ва илмий котиб ва б.) малакасини ошириш бoрасида вазирликлар ва Кўмитада туркум семинарларни ташкил этиш;

• Ўзбекистон докторлик диссертация

ция мавзуларининг сифати ва долзарблигини ошириш мақсадида, мавзуларни тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг илмий-техникавий кенгашларида ёки ҳайъат мажлисларида тасдиқлаб Кўмитага кириштириш мақсадида мувофиқ бўлар эди.

Омонбой ОҚОЛОВ, ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси профессори:

— Докторлик диссертацияларини тайёрлашда билим ва салоҳият зарур. Кўникма эса босқичма-босқич юзага келади. Шунинг баробарида адабий, юридик ва илмий тилни билиш муҳим саналади. Баъдий асар ўқиш эса предметни, воқеани тасвирлашда сўз бойлигини оширади. Тушунчаларни қўлашда кўмак беради. Шунингдек, илмий адабиётларни, лугатларни ҳам ўрганиб бориш тавсия этилади. Илмий изланишда мавзу танлаш ўта муҳим жараён. Мавзу тасодифий танланмаслиги керак. У амалий аҳамиятга эга бўлиши зарур. Устозлар бизга мавзу танлаш — қаллиг танлаш билан баробар, деб тушунтиришарди. Яъни мавзу танлаш ишонч ярим муваффақиятдир. Режа мавзунинг барча қирраларини қамраб олиши керак. Муаллиф танлаган мавзуси бўйича каталог тузиб, ўзигага ёзилган ишларни ўрганиб чиқиши керак. Тайёр ишни кўпроқ кишига ўқитишдан чўчимаслик лозим. Бир сўз билан айтганда, бўлажак олимлар илмий иш билан шуғулланиши аниқ тарзига айлантириши керак. Олимликда шу муаммо доимо бевозта қилиб туриши керак.

Кўчкор НОРҚОБИЛ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, "Инсон ва қонун" газетаси бoш муҳаррири:

— Маълумки, истиклол йилларида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиши учун зарур тақлиф-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ранг-баранглиги шаклланиб, ҳар бир фуқаронинг фикрини эркин ифода эти олиши учун мустақил оммавий ахборот воситалари институти ривожланди. Қўйслаш учун айтиш керакики, 1991 йилда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони атиги 395 ташиқил этган бўлса, айнан мустақиллик йилларида 3,6 қарра кўпайиб, ҳозирги вақтда уларнинг сони 1 миң 400 дан ортиқчи ташкил этади. Қўнданқўнга замонавий ахборот технологиялари такомиллашиб бораётган бир пайтда, интернет журналистика ҳам жадал ривожланмоқда. Кейинги беш йилнинг ўзига расмий оммавий ахборот воситаси сифатидаги веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, бугун 326 ташиқил этилмоқда. Шунингдек, айна пайтда мамлакатимизда 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги илмий-назарий семинар руҳидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқшунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган бўлажак ёш олимларнинг ўз илмий салоҳиятини намойиш этиши учун ОАВ минбаридан фойдаланиши катта аҳамиятга эга.

Биринчидан, мазкур мавзу омма орасида кенг тарғиб қилинади. Иккинчидан, унинг моҳияти ҳақида ўқувчи тасаввурда тушуноча шаклланади. Учинчидан, мазкур мавзу ўз-ўзидан оммалашиб ижтимоий аҳамият касб этади.

Бунинг учун изланувчи олимларимиз, энг аввало, ўз фикрини оммага таъсирчан шаклда етказиб бериш қобилиятига эга бўлиши керак. Чунки ОАВ минбари омма би-

лан мулоқот қилувчи энг қулай манба. Илмий-назарий жиҳатдан асосланаётган фикрни кишиларга раvon тарзда етказиб бериш эса тадқиқотчидан катта маҳорат талаб этади. Инсонда ҳамма нарса — кийими, қалби ва чеҳраси ҳам гўзал бўлиши керак, деган фикрни айтади улуг адиблардан бири. Назаримизда, айнақса, изланувчи ҳуқуқшуносларнинг илмий салоҳияти, фикр баён қилиши, ўз мақсадини қозғога тушириб атрафдагиларга етказиб бера олиши ҳам мукамал бўлиши керак. Демак, илм, тафаккур ҳамда фикрни баён этиш салоҳияти уйғуллашуви лозим.

Бугунги тадбирда мана шу жиҳатларга эътибор қаратилгани яхши.

Нодиржон САЛАЕВ, ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия кафедраси доценти:

— Университетимизнинг магистратура бoсқичида таълим олаётган талабалар томонидан давлат қурилиши ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилган долзарб мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади магистратура талабаларида илмий тадқиқот яратиш малакасини ҳрсил қилишдан иборат. Магистратура талабалари магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида ўқиш мобайнида олган билимларини умумлаштириши ҳамда унинг натижаларини илмий равишда акс эттиришлари лозим. Магистрлик диссертацияси магистратура талабаларининг дунёқараши, билим савиялари, илмий фикрларини ёзма нутқда саводли ифодалашларини тақозо этади. Диссертацияда танланган мавзу бўйича муаммолар қўрсатилиб, унинг ечимлари таҳлил қилинган бўлиши керак.

Мазкур фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги низомга магистратура талабаларининг тадқиқот мавзуси билан алоқадор ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмида белгиланган мақсад мувофиқ, деб ўйлайман.

— Давлатимиз томонидан ёш олимларни қўлаб-қувватлаш, илмий салоҳиятини ўстириш, уларнинг янги ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишига қўмаклашиш, кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш, унинг самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Республикаимизда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг мазмуни ва сифати даражаси давлат сиёсатининг тарихий йўналишини ташкил этадиган муҳим масалалардан бири ҳисобланиб, илмий фаолиятини янада такомиллаштиришга, уни замонавий жаҳон талабларига тўла мувофиқлаштиришга қаратилгандир.

Ташкил этилган илмий-назарий семинар илмий изланиш йўлидан бораётган бўлажак олимларга давлатимиз томонидан яратилган имкониятлар, амалга оширилган ишлар хусусида яқиндан танишиш имкониятини яратди. Айнақса, соҳа мутахассислари томонидан берилган тақлиф ва тавсиялар изланувчилар учун муҳим аҳамият касб этди.

— дейди ТДЮУ Магистратура бўлими бошлиғи Отабек Бобожонов.

Давра суҳбатини "Инсон ва қонун" муҳбири Дилфуза ЭРГАШЕВА ёзиб олди.

Адлия аралашгач...

Нафақадан ундирилган пуллар қайта тўланди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бoрасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2015 йил декабрь ойида Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро Б.Есемуратовнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Нукус шаҳар бўлими томонидан пенсиясининг эллик фоизи ушлаб қолинганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати кўриб чиқилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси фуқаро Б.Есемуратовнинг "STOMA NUR" масъулияти чекланган жамиятига ишлаганлиги ва бу ҳақда пенсия жамғармасига хабар бермаганлиги сабабли пенсиясининг эллик фоизи ушлаб қолинганлигини билдирган. Урганиш жараёнида фуқаро Б.Есемуратов "STOMA NUR" МЧЖнинг таъсисчиси эканлиги, бироқ МЧЖда ишламаганлиги, у билан меҳнат шартномаси тўлилмаганлиги ва иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига фуқаро манфатини қўлаб жамғарманнинг Нукус шаҳар бўлиmindан фуқаро Б.Есемуратов пенсиясиндан ундирилган пулларни қайта тўлаш мажбуриятини юклаш тўғрисида даъво ариза киритилди. Даъво ариза қаноатлантирилиб, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Женис ДОСЫМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

Тақдимномадан сўнг тўлов амалга оширилди

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ адлия бошқармаси томонидан фермер ҳўжаликларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда зoрур ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Охангарондон" АЖ фаолиятида шартномавий мажбуриятларнинг бақарилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижасига кўра, 151 та фермер ҳўжалиги томонидан 2015 йил ҳосилидан етказиб берилган бошоқли дон маҳсулотини учун 3 миллиард 583,7 миллион сўм тўлов амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳoлат юзасидан адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳўжалик судига "Охангарондон" АЖ ҳисобидан 151 та фермер ҳўжалиги фойдасига жами 4 миллиард 121,3 миллион сўм, шундан 3 миллиард 583,7 миллион сўм асосий қарз ва 537,5 миллион сўм жаримани ундириш бўйича ҳўжалик судига даъво ариза киритилди.

Суд қарорига кўра, мазкур қарордонини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаганлиги учун "Охангарондон" АЖнинг иктиводий бўйича директор ўринбосари мазмурий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, мониторинг натижасида "Маматқарим Дилшод" фермер ҳўжалигида 2015 йил ҳосилидан етказиб берилган бошоқли дон маҳсулотини учун тўловлар амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.


Жорий йилнинг 6 январда ҳўжалик суди томонидан "Охангарондон" АЖ ҳисобидан "Маматқарим Дилшод" фермер ҳўжалиги фойдасига жами 153 миллион сўм, шундан 132 миллион сўм асосий қарз ва 21 миллион сўм жарима ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Биродар РАҲИМОВ, Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Огоҳлик

Бугуннинг талаби

Энг аввало, ҳушёрликдир



ТИНЧЛИК энг бебаҳо ва энг улуғ неъмат, унинг кадр-қиммати беқиёс. Бунинг ҳеч бир сўз билан айтиб ҳам, таърифлаб ҳам бўлмайди...

зим бўлган буюк неъмат. Юрти- мизда барқарорлиқни таъминлаш, тинчликка ундовчи динимиз кадр- қимматини ошириш, жамиятда миллий тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, кадрларнинг фақаролар йиғини раиси Қамариддин Аҳмедов...

та маҳалла, етмиш мингта кўча мавжуд бўлиб, уларда қарийб ўттиз минг аҳоли тинч ва тотув яшаб келмоқда. Шаҳарчада тинчлик, аҳилликни сақлаш учун ҳар бир кўчага кайвони онахонлар, ёши улуғ оқсоқоллар кўча боши қилиб сайлаб қўйилган. Улар ўз кўчасидаги ҳар бир хонадон аҳволидан ҳамisha хабардор. Шаҳар худудида 5.520 дан зиёд оила истиқомат қилади. Маҳалла жамоаси ушбу оилалар мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб бормоқда.

Шунингдек, шаҳарча худудида 6 та мактаб, 2 та коллеж мавжуд бўлиб, уларда таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси билан мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиқда фаолият юритмоқда. Айниқса, ўқувчи-ёшлар иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъуллари ҳамда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида ҳар ҳафтада бир маротаба огоҳлик, ҳушёрлик, тартиб-интизомни сақлаш борасида тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Қолаверса, худудда жазо муддатини ўтаб ёки амнистия туфайли жазодан озод этилган кишилар ҳам бўлиб, уларни келажакда тўғри йўл топиб кетишлари, иш билан таъминланиши борасида амалий чоралар кўриломоқда. Хусусан, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда маҳалла оқсоқоллари тадбиркорлар кўмагидан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, маҳаллалардаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида тинчлик, аҳилликни сақлашнинг ижобий намунаси. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яқинда шаҳардаги фуқаролар йиғинида "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида давр суҳбати ўтказилди.

Ушбу тадбирда шаҳардаги, хусусан, маҳаллаларда истиқомат қилаётган эл орасида обрў-эътибор қозongan намунали инсонлар, кўпни кўрган ёши улуғ кишилар иштирок этиб, улар аҳолига, айниқса, ёшларга огоҳлик, ҳушёрлик, тинчлик ва аҳиллик борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Аҳоли бандлиги

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси

Жамият тараққиётини таъминловчи муҳим йўналишдир

МАМЛАКАТИМИЗДА иш ўринлари яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Ушбу йўналишда инсон омили, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳар йили махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Меҳнат муҳофазасининг тизимли йўлга қўйилиши корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратишнинг муҳим омилларидан биридир.

Хусусан, Конституция- мизда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгалиги белгиланганлиги, меҳнат соҳасидаги халқаро умумэтироф этилган нормаларнинг Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларида ўз ифодасини топанлиги диққатга сазовордир.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, қасаба уюшмалари фаоллари, Халқаро меҳнат ташкилоти экспертилари иштирокида кенг муҳокама қилинаётган "Меҳнатни

муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнининг ажралмас қисмидир, десак хато қилмаймиз.

Меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси жамият тараққиётини таъминловчи муҳим йўналишдир. Бугунги кунга келиб ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, меҳнат бозоридagi янгиланишлар соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси соҳаларида оид ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади ушбу соҳадаги нормаларни халқаро стандартларга мослаштириш, ташкилотларда иш берувчининг ҳамда ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятни ошириш, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳолатларини яшириш ёки ўз вақтида текшириш ўтказмаслик бўйича сансалорликларнинг олдини олиш чоралари кўзда тутилмоқда. Аҳамиятлиси, қонунга киритилаётган ўзгариш ва

қўшимчаларни ишлаб чиқишда 20 дан ортиқ ривожланган давлатлар тажрибаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчи- лиги ва меъёрий ҳужжатлари ўрганилган.

Бизнингча, мазкур қонун лойиҳасида меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, меҳнат муҳофазаси ҳолатини экспертизадан ўтказиш тартиблари, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилөөчи норма- лар, шунингдек, меҳнат муҳофазаси талабларининг бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларининг назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимлар учун хавфсиз ва муносиб меҳнат шaroити яратиш, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш юзасидан тизимли ишларнинг давоми сифатида ба- ҳолаш мумкин.

Тўлқин ИСМОИЛОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

2016 йил — "Соғлом она ва бола йили"

Ғамхўрлик ва эътибор эртанги кунга ишонч демакдир

МАМЛАКАТИМИЗДА ис- тиклолнинг дастлабки йил- ларидан бошлаб аҳоли са- ломатлигини мустаҳкам- лаш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи дав- лат сиёсати даражасига кўтарилди. Оналар ва бо- лалар саломатлигини му- хофаза қилиш, репродук- тив саломатлиқни сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳам жисмонан, ҳам маъна- н баркамол авлодни вояга етказиш масаласига жи- ддий эътибор қаратилмоқ- да. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1998 йил "Оила йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2014 йил "Соғлом бола йили", деб эълон қилиниши ҳам юртимизда соғлом авлод-

ни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган чуқур ислохотлардан дарак бе- ради. Янги 2016 йилнинг "Со- глом она ва бола йили", деб аталиши эса соғлом она — соғлом бола умум- миллий дастурларимиз доирасида амалга ошири- ланиш лозим бўлидиган яна бир қадам дейиш мум- кин. Бу олижаноб мақсад йўлида қилинаётган улкан ишлар болаларимизнинг соғлом туғилиши ва ул- гаёйиши, оналик ва бола- ликни муҳофаза қилиш,

ижтимоий ҳимояни кучай- тириш, таълим тизимини такомиллаштириш, қола- верса, болалар спортини ривожлантиришга қара- тилган кенг қўламли исло- хотлардир. Ана шу ислохотларнинг самараси ўларок, бугунги кунда мамлакатимиз бола- ларининг 92 фоизи ривож- ланиш кўрсаткичлари бў- йича Жаҳон соғлиқни сақ- лаш ташкилоти стандар- тларига тўла мос келади. "Save the Children" халқа- ро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёда-

ги биринчи саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўр- лик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг янги ҳисоботида қайд қилинишича, Ўзбекистон худудида 1990 йилдан 2015 йилгача бўлган давр мо- байнида оналар ва бола- лар ўлими 33.3 фоизга қис- қарган. Шу билан бирга, туғма ва ирсий касаллик- ларнинг олдини олиш, ай- ниқса, қишлоқ жойларда оналар ва болалар сало-

матлиги патронаж тизими- ни ривожлантириш, педи- атрия ва туғруққа тиббий ёрдам кўрсатувчи муасса- саларнинг моддий ва тех- ник базалари мустаҳкам- ланмоқда. Давлатимиз то- монидан оналар ва бола- лар саломатлигини муста- ҳамлаш бўйича қилинаёт- ган чора-тадбирлар халқа- ро ташкилотлар ЮНИСЕФ, ЮНФПА, ЖСТ ва бошқа ташкилотлар томонидан кенг қувватланмоқда.

Дарҳақиқат, биз таянчи- миз ва суюнчимиз, гурури- миз ва ифтихоримиз бўл- ган болаларимизга, фар- зандаларимизга ишонч би- лан қарашимиз, уларнинг қонини инсон бўлиб тар- биеланишига жиддий эътибор беришимизга ло- зим. Бу миллимизга, хал- қимизга бўлган ҳурмат- эътиром ифодасидир.

Дилшод АШУРОВ, Самарқанд шаҳар 8-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Reklama section for NBU (National Bank of Uzbekistan) featuring a logo with '1991 NBU 2016' and text about pensioner plastic cards and other services.

Эгри йўлнинг тўқмоғи

Яширишга уринганларнинг аҳволи танг бўлди

"ТОШКЕНТ-АЭРО" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари божхона чегаралари орқали нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирларни давом эттиришмоқда.

Натижада, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент халқаро аэропорти орқали божхоначилар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 58 та бож- хона қондабузарлик ҳолатида 212 миллион сўмдан ортиқ эквивалент- даги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний равишда олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Алмати шаҳрига пар- вози олдидан қўшни давлат фуқаро- си А.Сергеева (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартirilган) бож- хона назорати вақтида шахсий кўриқдан ўтказилганда, чўнтагида

долларини йўловчи божхона баён- номасидан атайлаб "тушириб" қол- диргани аниқланди.

"Тошкент-Франкфурт" йўналиши бўйича учи кетишга шайланган на- манганлик К.Қодиров белгиланган меъёрдан ортиқча валютани чўнта- гига солиб, бамайилхотир ўтиб кета оламан деб ўйлаган эди. Аммо унинг безовталаниши божхоначиларда шубҳа уйғотди. Натижада, у 2900 АҚШ долларини билан "хайрлашиш"- га тўғри келди.

Россиялик Н.Иванова ҳам таваккал- ни "каттаси"га қўл урди. Новоси- бирска парвози аввалида ушбу аёл- га тегишли сумка божхона кўригидан ўтказилганда, унга ноқонуний тарзда олиб чиқиш мақсадида йўловчи бож- хона декларациясида ва божхона хо- димининг озаки сўрови пайтида маъ- лум қилинганда 4200 АҚШ долларини яширилганлиги маълум бўлди.

Бангкокка отланган бухоролик Ж.Олимова эса божхоначилар қар- шисида ер қизиб қолди. Қараң-ки, бу аёл 4910 АҚШ долларини йўлов- чи божхона декларациясида қайд қилишни "унутиб" қўйибди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзаси- дан божхона текширувлари ва су- риштирув жараёнлари давом этти- римолмоқда.

Эслатиб ўтамиз, амалдаги тартиб- ларга мувофиқ божхона чегараси- дан ўтаётган жисмоний шахслар то- монидан тўлдириладиган йўловчи божхона декларациясида нақд чет эл валюталари мавжудлиги ва миқ- дори кўрсатилиши шарт.

Республикаимизда резидентларга 2000 АҚШ долларини эквивалентида- ги нақд хорижий валюталарни йўловчи божхона декларациясида ёзма қайд этиш шarti билан эркин олиб чиқиш қилишлари рўхсат эти- лади.

Норезидентларга эса Ўзбекистон- га кириб келаятганда ўзи билан олиб келган ҳамда божхонага тақ- дим этилган йўловчи божхона дек- ларациясида қайд этилган миқдор- даги хорижий валютани олиб чи- қишлари рўхсат берилган.

Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса банклатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рўх- сатномаси талаб этилади.

"Тошкент-Аэро" ИБК Ахборот хизмати

Эълонлар section containing several small advertisements for legal services, including one for 'SOF' and another for 'SOF' with contact information.

Эълонлар section containing several small advertisements, including one for 'SOF' and another for 'SOF' with contact information.

Фарб адабиётида Амир Темур сиймоси

ТЕНГИС азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган Амир Темур ҳазратлари буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдиргани баробарида, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавий ривожига ҳам кенг йўл очган муштарак сиймосидир.



Шунинг учун оламшумул тарихий шахс бўлган бу улғу зотнинг ҳаёти ва фаолияти қарий олти асрдан буюн бутун дунё олимлари, адиблари ва санъат аҳли, шу жумладан, Фарбнинг санъат намояндалари, мусаввирлар ва ҳайкалтарошлар, меъморлар ва бастакорлар, адиблар ва драматургларнинг эътиборини торттиб келмоқда. Айниқса, Фарбнинг фидойи темиршуосларидан бири **Жам Поль Ру** таъбири билан айтганда, "XVI, XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда Амир Темурга бўлган қизиқиш ҳайратомуз даражада ортиб кетди".

XVI-XIX асрлар оралигида Фарб мамлакатларида шавкатли Соҳибқирон сиймоси тасвирланган 60 дан зиёд турли жанрдаги санъат асарлари яратилган. Бу асарларнинг номланиши деярли бир хил, сюжет йўналиши ҳам ўзаро ўхшашдир.

Ушбу асарлар орқали Фарб томошабинига, бир томондан, турли қизиқ воқеаларга бой антиқа сюжетлар намоиш этилган бўлса, иккинчи томондан, география, сийбат

ва маданият соҳаларига оид янги ахборотларни тақдим этиш ҳисобига Фарб кишининг Шарққа нисбатан муносабати ва дунёқараши шакллантириб борилган.

Фарб адиблари, драматург ва операнависларнинг асарларида, айниқса, Амир Темур қиёфаси ўзига хос тарзда талкин қилинган. Айни чоғда, фарблик қаламқашлар таянган манбаларда Соҳибқирон шахси турлича, яъни баъзан бир-бирига бутунлай қарама-қарши, баъзан эса ўта чалқаш ифода этилганини айтиб ўтиш керак.

Бу, ўз навбатида, адабий-бадний асарларда ҳам Амир Темур тасвирининг ҳар хил тасвирланишига сабаб бўлган. Бундай ранг-баранглик Соҳибқирон сиймосини европалик иҳод ва санъат намояндалари турлича идрок этганидан далолат беради.

Бу ҳақда сўз борганда, айтиш муаммо, ўзбек таржимонлари учун муайян қи-

йинчиликларни юзага келтиришга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу бежиз эмас. Нега деганда, фикри-миъна:

Биринчидан, Амир Темур сиймоси тараннум этилган ушбу асарлар Фарб муаллифлари томонидан Фарб муҳитида яратилган;

Иккинчидан, бу асарлар асосан Фарб китобхона ва томошабинига мўлжалланган, шу боис муаллифлар бевосита Фарбга хос гоя ва мафжура, тутум ва тамойиллар талқинига таянган;

Учинчидан, муаллифлар аксарият ҳолларда Амир Темур ҳақидаги Фарбда устувор бўлган тушунарлар, шунингдек, жаҳонгирга душман бўлган араб муаррихларининг ёлгон хабарлари-ю баъзи бир тўқима манбалардаги уйдирма ва афсоналар таъсиридан чиқиб кета олмаган;

Ва ниҳоят, **тўртинчидан**, бу асарларнинг яратилиши жараёнида муаллифлар яшаган макон ва замон омиллари ҳам муайян роль ўйнаган бўлса ажаб эмас. Яъни, муаллифлар Амир Темур яшаган макон ва замондан анча олдинда яшаб иш қилганлар.

Қолаверса, мазкур асарларнинг аксарияти бундан 300-400 йил илгари ёзилган бўлиб, муаллифлар бугун бизнинг қўлимизда мавжуд ҳолиси тарихий манбалар билан танишиш имконига эга бўлмагани табиий ҳол.

Шу боис таржимонлар олдида Фарб адибларининг Амир Темур сиймосига бағишланган асарларини бугунги кунда Шарқ китобхона, буюк Соҳибқироннинг ворислари экани билан

фахр-ифтихор этадиган ўзбек китобхони эътиборига тақдим этишда қандай йўл тутиш керак, деган жуда долзарб ва ниҳоятда оғир муаммо кўндаланг турибди.

Хўш, бу жумбоқнинг қандай ечими бор? Албатта, бундай ҳар бир таржимон ўз билими ва иқтидори, салоҳияти ва имконияти, ижодкорлик масъулияти ва виждон ари тақосоти билан иш тутайганини қайд этиш лозим. Янада аниқроқ айтганда, таржимонлар баъзан онгли равишда аслият матнига даҳл қилган ҳолда таржима жараёнида муайян ўзгаришлар киритиш йўлидан борсалар, баъзан таржима матнига муайян изоҳ ва шарҳлар беришлари, гоҳида эса ҳар икки амални бирдек қўллашларига тўғри келмоқда.

Назаримизда, Фарбда узоқ асрлар давомида Амир Темур ҳақида яратилган неча йўналиб бадий асарлар айни шу муаммо туфайли ҳозирги кунгача тилимизга ўғирилмасдан қолмоқда. Шундай экан, бу борада оз бўлса ҳам эришилган натижаларни қўлаш, ўз навбатида, келгусида ана шу соҳадаги ижодий изланишларни рағбатлантиради, деган фикрдамыз. Аслида мазкур тўпلامни тузиш ва нашр эттиришдан қўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шу.

Ушбу китобда машур инглиз драматурги Кристофер Марлонинг "Соҳибқирон Темур" пьесасидан парча — Мэри Жалил таржимасида, атоқли немис адиби Йоханн Волфганг Гётеннинг "Фарбу Шарқ девони"даги Амир Темур номи билан боғлиқ шеърлар — Садриддин Салим Бу-

хори таржимасида, америкалик ҳассос шоир, носир ва мунаққид Эдгар Аллан Понинг "Буюк Темур" достони — Миразиз Аъзам, Фахрийёр ва Дилшоода Иброҳимова таржималарида (яъни, бир асарнинг уч хил таржимаси), аргентиналик буюк адиб Хорхе Луис Борхеснинг "Амир Темур" достонидан парча ва улғу рус адиби Иван Буниннинг "Темурхон" ҳикояси ва иккита шеъри — Фулом Мирзо таржимасида, шунингдек, замондошимиз бўлган француз олими ва адиб Люсьен Кереннинг "Буюк Темур" пьесаси Шоазим Миноваров, Дилшодхон Бобононов ва Давронбек Махсудов таржимасида тақдим этилмоқда.

Албатта, китобхонада ушбу асарлар ва уларнинг муаллифлари, шунингдек, таржимонлар ҳамда ўзбекча таржималар ҳақида муайян тасаввур мавжуд экани мутолаани анча осонлаштиради. Шунинг назарда тутилган ҳолда ҳар бир асарнинг таржима матнини ҳавола этишдан олдин муҳтасар қилиш сўзи беришни лозим топдик.

Тўпламага киритилган асарлар ва уларнинг таржималари адабиётшунослар, театршунослар ана шу асарларни атоқли таъдир билан тарғиб қилишлари ҳамда уларнинг замиридаги янгидан-янгигамойиш ва услубий талқинларни кашф этишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишончимиз қомил.

Акмал САИДОВ, профессор "Амир Темур Фарб адиблари нигоҳида" китобидан олинди

Ўқидингизми?

Журналнинг янги сони

мухлислар эътиборида

"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журналининг 2016 йил 1-сонини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги бир қатор таҳлилий мақолалар журналининг ўзбек, инглиз, рус тилларидаги вариантларидан ўрин олган.

Журналнинг "2016 йил — Соғлом она ва бола йили" рўқни остида берилган туркум мақолаларда оналик ва болалик муҳофазаси, бу борада қабул қилинган Давлат дастурининг аҳамияти, ушбу йўналишда амалга оширилган тадбирлар ҳақида сўз боради. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист **Фулом Мирзо**нинг "Соғлом халқ, соғлом миллат буюк ишларга қодир" номли мақоласида шундай дейилади: "Хар бир халқ, хар бир миллатнинг эртанги кунни бугун воёга етатган авлод тақдирини билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, қадимдан бобо-момоларимиз насил-насабининг соғлом бўлишига алоҳида эътибор қаратган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам бу масалага жиддий аҳамият бергани бежиз эмас. Зотан, насл тозаллиги, зурриёт соғломлиги ва янги авлод баркамоллиги кўп жиҳатдан онанинг саломадлигига боғлиқ эканини аждодларимиз яхши англаган".

Шунингдек, **Хосиятхон Абдураҳмонова**нинг "Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг айрим ҳуқуқий-назарий ва амалий жиҳатлари", **Нурани Шодиёв**нинг "Ёшларнинг маънавий шаклланишида иқтимоий тармоқларнинг роли", **Саҳодат Муртозова** ҳамда **Нилуфар Аҳмедовалар** ҳаммуаллифлигидаги "Жамиятнинг маънавий янгилашишида мусиқа маданиятининг ўрни" ҳамда **Содиқ Йўлдошев**нинг "Амир Темур салтанатида адолат устуворлиги ва шикоятларнинг ҳал этилиши тарихидан" номли мақолалари муштараклиги бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.



Журналнинг ўзбек, инглиз, рус тилларидаги вариантларида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2015 йилда амалга оширган ишлари ҳисоботи билан яқиндан танишиш мумкин.

Шу билан бирга журналнинг рус тилидаги вариантда **Улғубек Низамидинов**нинг "Халқаро жиноятчиликка қарши курашда БМТнинг ўрни", **Шахноза Холиқованин** "Фуқаролик жамиятида жамоат назоратининг долзарб масалалари" номли мавзулар батафсил ёритилган мақолалардан баҳраманд бўладилар.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— АНЧАДАН бери чет давлатда яшайман. Айтинг-чи, шу ердаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари орқали мол-мулкимни бошқа бировга тасарруф этиш тўғрисида ишончномани расмийлаштиришим мумкинми?

Умуман, чет давлатлардаги Ўзбекистон консуллик муассасалари қандай нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга?

Лазиз САИДОВ, Индонезия Республикаси

— "Нотариат тўғрисида"ги Қонун ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларига кўра, чет давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳқазоларни) тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;
 - фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
 - фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
 - фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
 - ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
 - мерос мол-мулкнинг қўриқлинига доир чора-тадбирлар кўради;
 - меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;
 - эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради;
 - ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрисидаги шараҳотларни беради;
 - ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқий эканлигини шараҳотлайди;
 - пул суммалари ва қимматли қорғозларни депозитга қабул қилиб олади;
 - сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади.
- Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари давлатимизда амалда бўлган қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Саволга Олмалик шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси **Феруза ТУРҒУНОВА** жавоб берди.

— **НОТАРИАЛ** идорага синглимнинг автотранспорт воситасидан фойдаланишим учун имтиёзли ишончнома расмийлаштириб беришни сўраб мурожаат қилганимда, нотариус менга сизлар ака сингли эмассизлар, чунки туғилиш гувоҳномаларингиздаги она графаси бўйича бошқа бошқа оналарнинг фарзандисизлар деб, яқин қариндошлар бўйича ишончнома расмийлаштириб беришни рад этди. Ушбу ҳолат бўйича тушунтириш берсангиз.

Аҳмад ТОШБЕКОВ, Бухоро шаҳри

— Оила кодексининг 58-моддасида ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкинлиги, ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки акинча она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланиши, ёт аралашмаган қариндошлиқда ака-ука ва опа-сингиллар туғилган, ёт аралашган қариндошлиқда ака-ука ва опа-сингиллар туғилган ётай қариндошлиқда ва эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, сиз синглингиз билан ёт аралашган қариндош ҳисобланасиз.

Давлат божи ставкаларига асосан ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга автототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини бевучи ишончномаларни тасдиқлагани учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Саволга Пешку туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси **ёрдамчиси Равшан АКРАМОВ** жавоб берди.

Хурматли юртдошлар!

"Асака" банк

2016 йил — "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини тақлиф этади:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг бериллади.

Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармомангиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади

Бухоро вилояти

Олот туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти

Янгибод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Навоий вилояти

Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Учқудуқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти

Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Учқўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Янгиқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Турақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сариосиё туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарида расмийлаштирилган ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
7. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иш-тирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2016 йил 18 май)

Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази жамоаси Марказнинг фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор **Борис ПИНХАСОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинлариға чукур ҳамдардлик билдиради.